

Дилдора МИРАКБАРОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторанти (PhD)

УМУМИНСОНИЙ ВА ДИНИЙ ТАМОЙИЛЛАР УЙЁУНЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Хар бир жамиятда ўз даври талабларига ҳос ва мос бўлган комил инсонни тарбиялаш энг долзарб вазифа бўлган. Бундай шахсни тарбиялашда, албатта, диннинг аҳамияти бекиёсдир. Дин инсонни фақат эзгу ишларга йўллаб, уни комиллик сари етаклайди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Виждон эркинлиги каби умуминсоний принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 - моддасида ўз аксини топди. “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб белгиланган. Эътиқод эркинлиги жорий этилиб, ҳар ким ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши учун тегишли шароитлар яратилиб, ибодатхона, черковлар, масжид ва мадрасалар қурилди. Шу жумладан, аксарият халқимизнинг эътиқоди бўлмиш ислом дини кадриятлари қайта тикланди.

Ислом оламида ўзининг илмий салоҳияти билан довруғ қозонган аجدодларимиз маънавий мероси туфайли мусулмон дунёси халқимизга алоҳида эҳтиром билан қарайди. 2007 йилда

Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕКО (ISESCO) томонидан “Ислом маданияти пойтахти”, деб элон қилиниши қувончли воқеа бўлди. 2020 йил Бухоро шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳам аجدодларимизнинг нафақат диний илмлар билимдони, балки умуминсоний фазилат эгаси бўлганликлари, халқ, келажак авлоднинг бахтли ҳаётга йўллашга бўлган сазй-ҳаракатларидан ибрат олишга арзигулилиги нишона. Кўплаб одамлар томонидан “нега шундай номи дунёга кетган алломалар яна бизнинг халқимиздан етишиб чиқишмаяпти”, деган савол берилади. Балки биз фарзандларимизнинг номи бутун дунёга донг таратишидан олдин, уларда айнан умуминсоний ва диний тамойиллар уйғунлигини шакллантиришимиз, шу фазилатлар билан тарбиялашимиз, халқ манфаатлари йўлида беминнат хизмат қилишни ўргатишимиз лозимдир.

Маълумки, умуминсоний ва ахлоқий принципларнинг энг асосийси ва қадимийси – инсонпарварлик тамойили ҳисобланади. “Инсонпарварлик инсоннинг юксак ижтимоий

вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч”, деб таъриф беришади файласуф олимлар. Инсонпарварлик тамойили дастлаб Шарқда бундан 3 – 4 минг йил аввал Қадимги Сомир миххатларида “намлулу” сўзи кўринишида учрайди. Бу атама кейинчалик Европа Уйғониш даври мутафаккирлари томонидан бойитилди. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” инсонпарварлик тамойилининг қонуний асосларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”, деб белгиланган.

Дунёвий динларнинг ҳаммасида ҳам инсонпарварлик ғоялари устувор ҳисобланади. Аллоҳнинг Каломи Куръони Каримнинг Ал – Исро сураси 70 – оятида: “Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз – мукаррам қилдик ва уларни барру-бахрда – қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал – устун қилиб қўйдик”, дейилган. Бу оятдан Аллоҳ наздида инсоннинг қанчалар азиз ва мукаррамлиги кўрсатилган бўлиб, бундан ҳар бир инсон панд-насиҳат олиши, бир-бирига нафақат тан жароҳати, балки қалбига озор ҳам бермаслиги лозим.

Демак, инсонпарварликнинг ибтидоси Яратган Аллоҳдан бўлиб, ҳар бир банда бошқаларга меҳр-муҳаббат, мурувват билан муносабатда бўлмоғи лозим. Зеро, ҳадиси шарифда “Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди”, дейилади. Ушбу ҳадис сўзларига мос мисолни насронийлик дини ривоятларида ҳам учратиш мумкин. Буюк рус файласуф ёзувчиси Достоевскийнинг “Ака-

ука Карамазовлар” романида “Бир бош пиёз” деган ҳикоя бор. “Қадимда бир жоҳил кампир бўлган экан, ўлибди-ю, ўлганидан сўнг ундан бирор-бир яхшилик қолмабди; шайтонлар уни оловли кўлга иргитишибди. Ўнг фаришта ўйлаб қолибди: қани энди кампирнинг бирор-бир фазилатини топса-ю, Худога етказса! Шунда кампирнинг томорқадан бир бош пиёзни юлиб олиб, гадей аёлга садақа қилганини эслабди-да, уни Худога айтибди. Худо шунда фариштага: “Бор, ўша бир бош кўк пиёзни олиб, узат, агар унга осилиб кўлдан чиқса, кампир жаннатга кирсин, майли, агар пиёз узилиб кетса, ўша ерда қолади”, дебди. Фаришта кампирга пиёзни узатибди ва кампир осилиб чиқа бошлабди. Энди қутулиб чиқай деганда, қараса, бошқа гуноҳкорлар ҳам унинг кетидан чумолидай осилиб кўлдан чиқиб борапти. Бадфеъл кампир уларни тепиб пастга туширишга уриниб: “Сенларни эмас, мени тортиб чиқаряпти, пиёз сенларники эмас, меники”, дебди. Шу гапларни айтиб бўлар-бўлмас пиёз узилиб кетибди ва кампир ҳозиргача ўша оловли кўлда азоб чекар эмиш”. Француз адиби Виктор Гюго ўзининг “Бераҳм кишилар мурувватпеша ғояларга садоқат билан хизмат қилолмайдилар”, деган иборасида нақадар ҳақ бўлганини ушбу ҳикоядан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бугунги кундаги энг хатарли ғоявий таҳдидлардан бири – бу диний экстремизм ва терроризм хавфидир. У инсонпарварлик ғоясининг тўлиқ тескарисига фаолият олиб боришини олиб келаётган талофатлари билан исботлаган хатардир. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий курашда мутаасиб кучларнинг одамларнинг умуминсоний ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини поймол этишга қаратилган хатти-ҳаракатлари ва ушбу жиноятларини ҳаспўшлаш мақсадида илгари сураётган диний-сиёсий ғоялари соф ислом таълимотига зид эканини муқаддас манбалар асосида фош этиш муҳим аҳамият касб этади. Агар диний-экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилаётган жинойий фаолиятга эътибор қаратсак, бундай ишлар исломда қатъиян ман этилганининг гувоҳи бўламиз”. Сўзимизнинг исботи сифатида, Куръони

каримнинг Нисо сураси 93-оятидаги: “Ким касддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак”, сўзларини келтиришимиз мумкин.

Саҳиҳ ҳадислар тўпламида ҳам, “Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар: “Ё Расулulloҳ, мусулмонларнинг афзали қайси кишидир?”. Расулulloҳ соллолоҳу алайҳи васаллам: “Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир”, деб жавоб бердилар”, деган ҳадис келтирилган. Инсоннинг амаллари зоҳирида намоён бўлгани учун ташқи қиёфасига қараб фикр билдирилади. Аммо унинг ботиний дунёси бизга мавҳум. Чиройли сўзлар, аммо хунук амаллари билан бир – бирига зид иш қилаётган инсондан қай даражада юксак иймонни кутиш мумкин? Уни васвасага солувчи шайтонгагина қиёслаш мумкин эмасми?

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Одамга руҳ пуфлаганидан сўнг, Одамга жон кирган. Инсоннинг кадр-қиммати руҳ билан боғлиқ. Демак, инсоннинг руҳий-маънавий олами қанчалик бой бўлса, нафақат боқий дунёда, балки фоний дунёда ҳам даражаси юқори бўлади. Маънавий олами бой, эзгуликка хизмат қилган одамгина Аллоҳ таоло унинг зиммасига юклаган инсонийлик каби шарафли вазифани уддалаган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.

“Ватан” сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, “одамнинг ота – боболари яшаб ўтган, ўзи ҳам яшаётган мамлакат”ни ифодалайди. Ватанпарварлик –она юртининг, халқининг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч

туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Ватанпарварлик – ўз тақдирини ватан, миллат тақдирини билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” деганларида нақадар ҳақлар. Ватанпарварлик ҳиссини биз тарихга назар солганда чуқурроқ англаймиз. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларнинг Ватанни ёвга беришдан қанчалик заҳмат чекиб жанг майдонида ҳимоя қилган бўлсалар, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, ал-Бухорий, Алишер Навоий каби алломалар Ватани, халқини маънавий хуруж – билимсизлик, лоқайдликдан ҳимоя қилганлар. Айниқса, таълим ва тарбия тараққиёти ва Ватан равнақи учун маърифатпарвар жадидчиларнинг хизмати катта. “Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”, деб лоқайдликни танқид этган эдилар Абдулла Авланий.

“Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар”, деган мақол бор доно халқимизда. Иккинчи жаҳон уруши вақтида кўплаб боболаримиз бизларга озод ва обод Ватан қолдириш мақсадида, ўзларининг роҳат-фароғатларидан, ширин жонларидан воз кечиб жанг майдонига кирганлар. Иймон тўла қалбларига Аллоҳнинг Каломида қайд этилган “Аслида Аллоҳ ҳимоячингиздир ва У ёрдам берувчиларнинг яхшисидир”, деган ақида далда бўлган бўлса не ажаб?! Бувиларимиз эса умр йўлдошларини йўқлигини билдирмасдан, уруш ортида, ҳатто ўз саломатликлари, ёшликларидан кечиб оғир меҳнат қилишган. Бу – маънавий жасоратнинг буюк кўринишидир.

Бугунги тинч, осойишта ҳаётимизда биз Ватанимизни қандай ҳимоя қилишимиз, унга қандай хизмат қилишимиз мумкин? Ҳар бир ушбу заминда истиқомат қилувчи, ўзини

Ватанини севувчи инсон деб биладиган одам ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, омонатга хиёнат қилмай, қўлдан келганча тараққиёт пағоналарига олиб чиқишга ҳаракат қилиб, бурчига масъулият билан ёндошса, атрофида, бутун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ бўлмаса, глобал тус олаётган муаммолар устида бош қотириб, унга қўлдан келганча ечим топишга ҳаракат қилса, шунинг ўзи Ватанимиз олдидаги хизмат. Қўзлари кулиб турган фарзандларимизни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, онгида маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик, келажакка омонатдор, масъулиятли, билимли болаларни етказиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. Ватанпарварлик туйғуси эса миллатпарварлик ҳиссиётини шаклланишига олиб келади.

Миллатлараро тотувлик – умумбашарий қадриятдир. У бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари аҳиллигини мустаҳкамлайди, тинчлик ва барқарорликнинг, тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида исътикомат қилиб келишмоқда. Миллатлар ўртасидаги дўстлик алоқалари ички ва ташқи сиёсатдаги зиддиятларни олдини олиб, давлатлар тарққиётига хизмат қилади.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг Ҳужурот сураси 13-оятда: “Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир” дейилган. Бу оятдан маълумки, инсониятнинг асоси бир, бир ўзакдан тарқалган. Шу сабабдан, маънавий таҳдидлардан бири бўлмиш – миллатчилик иллатига қарши маънавий иммунитетни ёшлар онгига сингдиришимиз лозим. Миллатчилик бир миллатни улуғлаб, бошқа миллатларни камситиш, миллат ажратишни билдирадиган,

нафақат миллат, балки бунут дунё таназзулига олиб келиши мумкин бўлган маънавий таҳдиддир.

Тарихга назар солсак, Иккинчи жаҳон уруши йиллари айни қийинчилик, очлик ҳукм сурган вақтларда миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўришимиз мумкин. Жанг майдонида саф тортган турли миллат вакиллари тинчлик учун курашган бўлсалар, уруш ортида қолганлар қўлни қўлга бериб меҳнат қилганлар. Оддий темирчи Шомахмудов оиласида паноҳ топган, таълим-тарбия олиб, вояга етган турли миллат вакиллари фарзандари гапимизнинг яққол далилидир.

Қадимда бир донишманддан сўрабдилар: “Қайси одам, қайси миллат афзал?” Донишманд икки кафтига тупроқ олиб, қайси кафтимдаги тупроқ афзал?” деб сўради. Кейин кафтларидаги тупроқни бир-бирига аралаштириб дедик: “Икки ҳовучимдаги тупроқнинг бир-биридан фарқи бўлмагани каби, ҳамма халқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардирлар”.

Хулоса ўрнида эътироф этишимиз керакки, ҳар бир инсон ҳаётида энг муҳим ўринларни тинчлик ва хотиржамлик эгаллайди. Тарихга назар ташланса, ҳамма даврларда ҳам давлатнинг ривожланиши, тараққиёт топиши жамиятнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришига боғлиқлиги аён бўлади. Ҳадиси шарифларда ҳам, “Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У – сихат-саломатлик ва хотижамликдир”, дейилган.

Демократик фуқаролик жамияти қуришдан асосий мақсадимиз – инсон манфаатлари ва унинг бахтли, тинч-хотижам келажагидир. Мустақиллик шарофати билан миллий, диний урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланди. Қайд этиб ўтилганлар умуминсоний ва ахлоқий тамойиллардан айримлари бўлиб, уларни ўрганиш маънавий таҳдид ва иллатларни олдини олишга, диний ақидаларнинг туб моҳиятига етишга ёрдам беради. Зеро, билимни фақат олиш эмас, уни бошқаларга тушунтириб, ҳаётга татбиқ эта олиш, шу билимлар асосида глобал муаммоларни бартараф этиш лозим. “Унутиш” хусусиятига эга бўлган инсон келажак бугундан бошланишини унутмаслиги лозим.